

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ



**ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОСИЁ МАКОНИДА: ГЕОГРАФИЯ,
ГЕОИҚТІСОДИЁТ, ГЕОЭКОЛОГИЯ**

Халқаро ғлымий-амалий конференция

**УЗБЕКИСТАН В ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОМ РЕГИОНЕ:
ГЕОГРАФИЯ, ГЕОЭКОНОМИКА, ГЕОЭКОЛОГИЯ**

Международная научно-практическая конференция

**UZBEKISTAN IN THE CENTRAL ASIA REGION:
GEOGRAPHY, GEOECONOMICS, GEOECOLOGY**

International Scientific and practical Conference

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ



ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОСИЁ МАКОНИДА: ГЕОГРАФИЯ,
ГЕОИҚТИСОДИЁТ, ГЕОЭКОЛОГИЯ
Халқаро илмий-амалий конференция

УЗБЕКИСТАН В ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОМ РЕГИОНЕ:
ГЕОГРАФИЯ, ГЕОЭКОНОМИКА, ГЕОЭКОЛОГИЯ

Международная научно-практическая конференция

UZBEKISTAN IN THE CENTRAL ASIA REGION:
GEOGRAPHY, GEOECONOMICS, GEOECOLOGY
International Scientific and practical Conference

Тошкент-2017

**МИРЗАЧЎЛ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ХУДУДИННИГ ТУПРОҚ
ҚОПЛАМИ МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

Сабитова Наила Исломиловна

д.г.н., профессор

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Холдорова Гулбахор Михлибоевна¹, Каюмова Мухаббат Махрамовна²,

Усмонов Машраб Рустамович³

1. Уқитувчи; 2. Уқитувчи; 3. Уқитувчи

Абдулла Кодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация: мақолада Мирзачўл табиий географик районининг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ергарининг ҳудудий ҳусусиятлари кўриб чиқилган, ўзлаштирилган ҳудудларда тупроқ мониторингини амалга ошириш масалалари келтиришган.

Калим сўзлар: мониторинг, тупроқ таркиби, тупроқларнинг шўрланиши, ер ости сувлари сатҳи, инсон фаoliyati, зовур-дренаж, сунъий суворни тизими

**PRACTICAL ASPECTS OF ORGANIZING MONITORING SYSTEM OF SOIL LAYER OF
NATURAL GEOGRAPHIC DISTRICT MIRZACHUL**

Sabitova Naila Ismoilovna, Kholdorova Gulbahor Mikhliboevna

Kayumova Mukhabbat Mahramovna, Usmonov Mashrab Ravshanovich

Abstract: The article considers the territorial features and distribution of agricultural land values of Mirzachul natural and economic area and provides reflections on the creation of a system for monitoring soil in developed areas.

Keywords: Monitoring, structure of soil, soil salinization, the level of groundwater, hurnsn activity, sewers, drainage, sartificial irrigation system.

Мавзунинг долзарблиги. Фантехника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган хозирги даврда дунёнинг географик, сиёсий-ижтимоий тизимида ҳам ўзгаришлар кузатилмокда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилётган таъсири тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулий табиий мухитни саклаб қолишининг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро мунособатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб бораверади. XX аср мобайнида мамлакат ҳудудида улкан майдонлар ўзлаштирилиб, асосий стратегик аҳамиятга эга экин тури - паҳта этиштирилди. Бу ҳатто Собик Итифоқ давридаги паҳта монокультураси ва унинг аянчли оқибатларига сабаб бўлди. Мустақиллик йилларида ушбу оқибатларни бартараф килиш учун кўплаб чоралар курилди. Атроф-мухит ва ландшафтлардаги ўзгаришлар ва жараёнлар мониторингини жорий этиш ана шундай чора-тадбирлардан хисобланади. Бундай тадбирлар Мирзачўл табиий географик райони ҳудуди учун жуда аҳамиятлидир, зеро чўлнинг ўзлаштирилиши ва табиий

ландшафтларнинг бутунлай ўзгартирилиши, табиий комплекс сифатида янги қиёфага киритган. Айни вактда Мирзачўл республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириб берувчи асосий минтақалардан биридир.

Асосий қисм. Табиий жараёнлар ва уларга инсон таъсирини мониторинг асосида ўрганиш ҳодиса ва ҳолатларни изчил ўрганиб бориш, киёслаш, хулосалар чиқариш ҳамда чора-тадбирларни белгилаш тизимини бир бутун ҳолатга келтириши тақозо килади. Айни йўналиш дунёда ва мамлакатимизда борган сари асосий тадқиқот услубига айланниб бормокда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг 1972 йилда Стокгольмда бўлиб ўтган маҳсус анжуманида, алоҳида тизимга эга бўлган “Атроф-мухит мониторинги” деб номланган дастур тўғрисидаги карор кабул қилиниб, амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабридаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги Низоми тўғрисида”ти 496-сонли Қарорига мовофиқ, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти ҳамда бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар

томонидан “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторингини юритиш” услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий максади – тупроқларда содир булиши мумкин бўлган ўзгаришларни ўз вақтида аниклаш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларни олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун республикамиз ер фонди ҳолатини кузатиб борищдан, олинган маълумотлар асосида илмий асоссланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Хўжалик юритишига таъсир кўрсатадиган табиий географик жараёнлар ва уларни салбий оқибатларини ўрганиш ҳамда уларга қарши чора тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши ҳозирги ҳар томонлама баркарор ривожланишга ўтилаётган даврда долзарб масалага айланган. Бинобарин, ушбу худудда ташкил этилган табиий –хўжалик тизими ҳакида қисқача маълумот бериш максадга мувофиқдир.

Мирзачўл худудида Мирзачўл иктиносидий райони ташкил этилган бўлиб, иктиносидий район худудий жиҳатдан Мирзачўл, Жizzах чўли ва Кизилкумнинг шарқий қисми, Туркистон тизмасининг гарбий қисми ва Нурота тизмасининг жанубий қисмларини ўз ичига олади. Табиий нуктаи назардан бу тоглар Мирзачўл табиий ўлкасига кирмайди.

Мирзачўл худудий ишлаб чиқариш мажмуи ёки иктиносидий райони маъмурӣ жиҳатдан иккита вилоят – Жizzах ва Сирдарё вилоятларидан иборат бўлиб, майдони $25,5$ минг км^2 , аҳолиси 1 млн 840 минг киши (2010 йил мавжуд аҳоли сони). Мирзачўл иктиносидий райони янги ерларни ўзластириш асосида таркиб топган бўлиб. Республика майдонининг $5,7$ % ини ва аҳолисининг $6,7$ % ни ташкил қиласи. У асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ихтисослигига эга, саноат жиҳатидан ҳам тез ривожланётган худудий ишлаб чиқариш мажмуидир.

Иккала вилоят табиий шароит ва ресурслар салоҳияти, шунингдек ижтимоий ва иктиносидий ривожланиш хусусиятлари билан бир-биридан фарқ

килади, лекин бу иккала вилоятнинг иктиносидий жиҳатдан бирлаштирувчи табиий худуд ва транспорт омиллари, шунингдек чўл худудларининг ўзластириш даврида шаклланган хўжалик комплекслари мавжуд. Эндиликда вилоятлар республика иктиносидий ва ижтимоий ривожалнишида ўзига хос ўринга эгадир. Табиий шароит ва ресурслар бўйича тафовутлар Жizzах вилоятини табиий районластириш тамоилии бўйича иккига бўленишига олиб келади. Туркистон тизмасига кирувчи тоғлар ва Нурота тизмасининг жанубий ёнбағирлари қўшни Зарафшон табиий географик районига киради, шундай қилиб, Жizzах вилояти таркибидаги Бахмал, Галлаорол туманлари табиий жиҳатдан бошқа ўлка худудидадир.

Бу иккала вилоятнинг табиий шароити ва хўжаликни ташкил этишига таъсир этувчи омиллари табиий географик ўри билан боғлик равишда шаклланади. Бундай омиллар эса Жizzах вилоятида кенгрок миқёсадидир. Шу билан бирга ҳар икки вилоят чўл худудларида ташкил этилган хўжалик тизими билан ўзаро ўхшаш ва чамбарчас боғланган. Бу боғланиш умумий сунъий суғориш тизимининг бунёд қилиниши, хўжалик ихтисослашви билан юзага келади.

Мирзачўл худудининг ўзластирилган ва сунъий суғориш тизимида суғориладиган майдонларининг тупроқлари асосан суғориладиган ўтлок- воҳа ва бўз-воҳа тупроқ типларига киритилади. Сирдарё дарёси бўйидаги худудлар ўзластирилиши жиҳатидан қадимирик бўлиб, энг сўнгги ўзластирилган майдонлар Жizzах чўлига мансубдир. Юқорида таъкидланганидек, собиқ Иттифоқ даврида ушбу майдонлар пахта экиладиган ва техник ҳамда кимёвий жиҳатдан юқори даражада ишлов бериладиган худудлар эди. Бу жараён бир неча ўн йиллаб давом этган, суғориш, кимёвий дорилар билан ишлов беришда меъёлларга амал қилинмаган.

Мустақиллик йилларида қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини етиширишга янгича муносабат шаклланди. Ўзлаштирилган майдонларнинг тупрок бонитети кайта кўриб чиқиб, баҳоланди. Экинлар агротехник талабларга тўла риоя қилинган холда етиширилиши қатъий қоида бўлиши учун курашилмоқда. Ташкил этилган фермер ва дехқон хўжаликлари майдонлардаги тупроқлар холатига мос сугориш режимини вужудга келтириши, экин турларини кўпайтириш, ўзлаштирилган

худудлар агроклиматий ресурсларини чукур ўрганишлари маҳсадга мувофиқдир. Мирзачўл текислигига ер ости сувлари сатхининг сўнгти йилларда кескин кўтарилишига сугорма дехқончилик билан бир қаторда Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ҳам таъсири бўлмоқда. Айдар-Арнасой кўллар тизими таъсирида ер ости сувларнинг ўзгаришини Мирзачўл текислиги худудида жойлашган туманлар мисолида таҳлил киласиз.

Жадвал

Мирзачўл текислиги худудидаги туманларнинг сугориладиган ерларида ер ости сувлари сатхи

Туманлар номи	Сугориладиган ерларнинг ер ости сувлар сатхи бўйича тақсимланиши (минг га)						
	Умумий майдон	1 м, гача	1,0-1,5	1,5-2,0	2,0-3,0	3,5	5,0 дан паст
Арнасой	33,526	-	0,06	1,040	32,426	-	-
Мирзачўл	33,037	-	0,31	0,93	31,347	0,44	-
Зафаробод	29,271	-	0,24	0,55	26,731	1,50	0,25
Дўстлик	36,038	-	0,09	0,815	35,123	0,01	-
Пахтакор	28,725	-	0,01	1,945	26,710	0,06	-
Жиззах	35,005	0,005*	0,25	0,397	24,236	9,98	0,14
Жами:	195,602	0,005	0,97	5,677	176,57	11,99	0,39

*Изоҳ: Зовур – дренажларнинг ишдан чиқиши туфайли сув сатхининг кўтарилиши.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Сугориш ишларини олиб боришида хато ва камчиликларга ҳамда исроғарчилликка йўл кўйилганда ер ости сувларининг ифлосланиши кузатилади. Шу билан бирга кишлоқ хўжалигига ҳаддан зиёд кимёвий ўғитларнинг кўлланилиши ҳам ер ости сувларига зарарли таъсир этади. Бундай холат вилоятнинг сугорма дехқончилик худудларида ва ирригация иншоотлари ҳамда ирригация тизимлари зич жойларда айниқса кучли намоён бўлмоқда. Мирзачўл текислигига ер ости сувлари сатхининг кўтарилиши, текисликдаги моддалар алмашинувига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Грунт сувлари сатхининг кўтарилишининг салбий оқибатларини тутагиши максадида, сугориладиган ерларда зовур тармоқлари зич ҳолда шакллантирилади. Шунга карамасдан, сизот сувларининг буғланиши натижасида тупроқда туз түпланиш жараёни кузатилмоқда. Бу ҳол мажмуули мелиоратив тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб амалга

опиришини талаб этади. Аммо бу муаммо ҳозирча тўла-тўқис ўз ечимини топмаган, уларнинг худудий жихатларини ўрганиш табиий, шу жумладан мелиоратив географияянинг асосий вазифаларидан биридир. Бинобарин, мамлакатимизда амалга опирилаётган барча ислоҳотлар қаторида ўзлаштирилган худудларга алоҳида ёндашув талаб этилади. Бунинг учун аввало, ўзлаштирилган худудлар, хусусан Мирзачўл худуди тупроқларини тадқиқ этишини кенг кўламда ташкил этиш лозим. Бинобарин, мамлакатимизда амалга опирилаётган барча ислоҳотлар қаторида ўзлаштирилган худудларга алоҳида ёндашув талаб этилади. Бунинг учун аввало, ўзлаштирилган худудлар, хусусан Мирзачўл худуди тупроқларини тадқиқ этишини кенг кўламда ташкил этиш лозим. Чунки, ушбу худудда ташкил этилаётган кишлоқ хўжалик тизими турли йўналишларни камраб олмоқда. Хар кандай йўналишларни шакллантириш ва ривожлантириш, биринчи ўринда майдонларнинг тупроқ

холати билан боғлиқдир. Шунга кўра, Мирзачўл ҳудудида тупроқлар ҳолатини сақлаб қолиш ва яхшилашнинг янги назарий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб масаладир.

Хулоса. Мирзачўл ҳудуди тупроқ ҳолатига тўла баҳо бериш ва яхшилаш чора тадбирлари, ҳудуд тупроқларининг комплекс ва хусусий мониторинг тизимини яратишдан бошланади. Бундай тизимни яратиш олдинги тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда кўйидаги ишларни амалга оширишни тақозо этади:

- Мирзачўл ҳудуди тупроқлари бўйича ўтказилган барча тадқиқотлар натижалари ва хулосаларини умумлаштириш;

- Ҳудуд тупроқларининг хусусиятларини алоҳида ҳамда комплекс тарзда, даврий равишда баҳолаб бориш;

- Алоҳида хусусиятларни намоён этувчи тупроқлар мавжуд бўлган майдонларни кузатиш тизимини ташкил этиш;

- Тупроқлар ҳолатини табиний ва қишлоқ ҳўжалик тизимига хос ишлар таъсири бўйича кузатиш тизимини яратиш;

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси тўғрисида”ги Қонуни (30.04.1998).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни (30.04.1998).
3. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иктисодий ривожланиши. Монография. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010.
4. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. – Тошкент: Фан ва технология, 2014. - 340 б.
5. Ҳакимов К., Ғудалов М. Жиззах вилояти географияси. – Жиззах, 2003.
6. Сабитова Н., Холдорова Г. Обоснование пунктов наблюдений геоэкологического мониторинга за загрязнением приграничных районов Узбекистана с Киргизией (на примере долины реки Майлуу-сүу).

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ

Султонов Шуҳрат Адҳамович

ўқитувчи

Қарши мұжандылық иқтисодиёт институты

Навотова Дилноза Ибрагимовна

ўқитувчи

Қарши давлат университети

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги ривожланишининг асосий ўйналишларидан бири ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ташкил қиласди. Шу сабабдан ушбу ишда асосий эътибор Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларининг мелиорация ҳолатига қаратилган.

Таянч сўзлар: Суғориладиган ерлар, қишлоқ ҳўжалиги экинлари, ҳосилдорлик, шўрланган ерлар, мелиорация инфратузилмаси, мелиоратив география.

RECLAMATION STATE OF IRRIGATED LANDS OF REGION KASHKADARYA

Sultonov Shuhrat Adhamovich, Navotova Dilnoza Ibragimovna

Abstract: Land improvement is one of the key areas of agricultural policy of the Republic of Uzbekistan. In this regard, the work focuses on the creation of infrastructure in the reclamation of irrigated lands of region Kashkadarya.

Исматов Ж.А. Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида шаҳарлар жойланишининг гидрогоеографик ҳусусиятлари.....	82
Караев Р.М., Атабаева Н.К., Эгамбердиева Л.Ш., Ёдгорова Д.Ш. Особенности восприятия геоэкологических проблем в странах Запада и Востока.....	84
Kuvondikov O.X., Berdikulov F.F. <i>Territorial peculiarities of development gardening in Uzbekistan</i>	86
Құнғарова М.М., Хасанова Г. Қышылқ құжалығы ерларин мелиоратив ҳолатини яхшилаштырудың құбының жаһалығы.....	89
Махкамов Э.Ғ., Деконбоева М.Н. Фаргона вилоятидаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларын туризмик-рекреацыйон имкониятлари.....	91
Мирзамахмудов О.Т., Деконова Ш.А. Фаргона водийси тоз олди ландшафтлари ва улардан самарали фойдаланши масалалари.....	93
Nazarova M.A. <i>Qadimgi dinlarning vujudga kelishida tabiiy sharoitning ta'siri</i>	97
Рахматуллаев А., Мамажанов Р.И., Турлиев Д.Э. Шамолдан электр энергия олини истиқболлари.....	99
Сабитова Н.И., Ходдорова Г.М., Каюмова М.М., Усмонов М.Р. Мирзачұл табиий географик райони ҳудудынинг тұпроқ қоллами мониторинг тизимини ташкил этишининг амалы қысқатлари.....	105 ✓
Султонов Ш.А., Навотова Д.И. Қашқадарे вилояты сүгорилядиган ерларининг мелиоратив ҳолаты.....	108
Тойчинев Х.А., Крахмаль К.А., Абдуназоров У.К. <i>Хроностратиграфия отложений эоплейстоцена Западного Тянь-Шаня</i>	111
Топов Х.Р. География тарихига донир мұлоғазалар.....	114
Усманов Р.Н., Хушвактов С.Х., мардиев У.Б. Применение современных информационно-коммуникационных технологий в процессах подземного захоронения отходов производства.....	116
Usmanova R. <i>Iqlim resurslarini rekreatsiya jihatidan baholashting geografik xususiyatlari</i>	121
Хамидов А.А., Шахалиева З.И. Развитие научных идей и направлений при изучении природы Ферганской долины.....	124
Хурсанов Д.Б. Куйи Амударё табиий географик округи ландшафтларини ўрганишида структура таълимотининг роли.....	126
Шамуратова Н.Т. Теория и практика экотуризма на примере Узбекистана.....	131
Шарафутдинова К.У., Хушмуродов Ф. Экологический туризм на особо охраняемых природных территориях Узбекистана.....	135
Эгамов Б.Ю. Ўзбекистонда экотуризм ва ўлкашунослик таълим йўналишида кадрлар тайёрлашынинг аҳамияти ва истиқболлари.....	139
Ergasheva Y.X. <i>O'zbekistonda quyosh energiyasidan foydalanimishi rivojlantirishning ustuvor yo'naliishi - soha qonunchilik bazasini yaratishdir</i>	143
Ergasheva Y.X., Sharipov Sh.M. <i>Insoniyatni elektr energiya bilan ta'minlashda shamol energiyasining o'rni</i>	145
Янбухтий И.Р., Атабаев Д.Х., Булин С.Е. Цифровая модель поверхности палеозоя Сурхандарьинской впадины.....	148
2-СЕКЦИЯ. ИҚТІСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ, ДЕМОГРАФИЯ	
Гельдыева Г.В., Токмагамбетова Р.Ю. Качественные и количественные показатели в системе управления эколого-демографическими процессами Республики Казахстан	150
Абдуназоров Х.М., Умарова М.Х. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) - глобал ва минтақавий хавфсизлик ҳамда иқтисодий интеграцион ҳамкорлик сары.....	156